

Ахмаджонова Ёркиной Тожимуродовна

ўқитувчи, Жиззах политехника институти, Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: РИВОЖЛАНИШ ВА АМАЛИЁТ

Аннотация. Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар замонавий дунёда жамият, иқтисодиёт ва таълим соҳаларида катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу технологиялар турли жараёнларни автоматлаштириш, самарадорликни ошириш ва инновацион йечимларни жорий этишга хизмат қилади. Ўзбекистон мисолида, давлат даражасида сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш ва уларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг қўллаш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинган. Ушбу тадбирлар мамлакатнинг глобал технологик ривожланиш пойгасида рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Натижада, сунъий интеллект таълимни такомиллаштириш, жамоатчилик бошқарувини оптималлаштириш ва кундалик ҳаётни қулайлаштиришда ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу технологиялар инсониятнинг келажагини белгиловчи асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Калит сўзлар. сунъий интеллект, рақамли технологиялар, ахборот коммуникация, технологиялар, маълумотлар базаси

Akhmadjonova Yorkinoy Tojimurodovna

Teacher, Jizzakh Polytechnic Institute, Uzbekistan

ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN UZBEKISTAN: DEVELOPMENT AND PRACTICE

Abstract. Artificial intelligence and digital technologies are gaining great importance in the modern world in the fields of society, economy and education. These technologies serve to automate various processes, increase efficiency and

introduce innovative solutions. In the case of Uzbekistan, important decisions have been made at the state level to develop artificial intelligence technologies and their widespread use in socio-economic spheres. These measures are aimed at increasing the country's competitiveness in the race for global technological development. As a result, artificial intelligence is also playing an important role in improving education, optimizing public administration and making everyday life more convenient. These technologies serve as the main factor determining the future of humanity.

Keywords: artificial intelligence, digital technologies, information communication, technologies, database

Бугунги кунда илм-фан ва шу билан биргаликда рақамли технологиялар ривожланиб бораётганининг натижасида кўплаб янгиликлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Улар турли хил соҳалар фаолиятига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги кунда кўпчилик ахборот технологиялари ва сунъий интеллектдан фаолиятларида самарали фойдаланишни аста-секин йўлга қўйиб бормоқдах[1].

XXI асрда инсоният фан, техника, технология ва ахборот коммуникациялари соҳасида беқиёс ютуққа эришгач, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ишлаб чиқариш ва автоматлаштириш жараёнларида сунъий интеллектнинг ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, халқаро майдонда ва соҳа йўналишларида кўлами кенгайиб бормоқда. Бунда ривожланган мамлакатларда сунъий интеллект саноати иқтисодиётнинг реал секторига кенг интеграция қилинмоқда. Бу иқтисодий тараққиётнинг яна бир омили бўлиб хизмат қилади. Сунъий интеллект технологияси натижаларидан самарали фойдаланиш инсон учун қулайликни ошириш, давлат хизматлари ва жамоатчилик бошқарувини яхшилайд[2].

Сунъий интеллект ҳаётимизнинг турли соҳалари ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилга айланиб бормоқда. Ушбу технологиялар

унумдорлик ва самарадорликни оширишдан тортиб, илм-фан ва инновациялардаги ютуқларга қадар улкан фойда келтириш салоҳиятига эга. Экспертларнинг фикрига кўра, эътиборни сунъий интеллектни ривожлантиришга қаратиб, муваффақиятли трансформатсия жараёнини таъминлашга ва мамлакатимиз технология оламида йетакчи ўринни эгаллашга интилиш керак. Ана шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим соҳасида дарсларда сунъий интеллектдан фойдаланиш ўрганиш ва ўқитишга замонавий ва инновацион ёндашувни ифодалайди. Сунъий интеллект таълим соҳасида муҳим ўзгаришларни амалга оширмоқда, янги имкониятлар яратмоқда ва таълим сифатини оширмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш бўйича амалайишлар олиб борилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021- йил 17-февралдаги ПҚ-4996- сон билан имзоланган “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда 2021-йил 26- августдаги “Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5234-сон қарорлари орқали мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини иқтисодий соҳаларда қўллаш жуда ҳам жадаллашди. Ушбу қарорларда сунъий интеллект технологиялари асосида инновацион бизнес-моделлар, маҳсулот ва хизмат кўрсатиш усуллари ривожланиши учун қулай ва мақбул экотизм яратилганлиги, уларни белгилаб берилган устувор тармоқлар ва соҳаларда тезкорлик билан жорий этиш ва амалиётга жорий этиш назарда тутилган эди. Ўзбекистонда ҳозирда мавжуд маълумотлар манбаларидан сунъий интеллект маълумотлар базасини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш мумкин. Жумладан:

- Идентификациялаш ягона тизими – (id.gov.uz);
- Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портал– (data.gov.uz);
- Электрон ҳукумат тизими маълумотлар базаси – (my.gov.uz);
- Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси– (davxizmat.uz);
- турли вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаси.

Шунингдек, жаҳон тажрибасида ижтимоий соҳага йўналтирилган дастурларда сунъий интеллект маълумотлар базасини шакллантиришда миллий ID тизимлари маълумотлари, аҳолини рўйхатга олиш ва солиқ тўловчилар базаси, тиббиёт, банк, суғурта компаниялари, дўкон ва бозорлар харидорлари, мобил алоқа операторлари маълумотлари ҳамда аҳолининг коммунал тўловлар ва қарздорлик, кредит тарихи, ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги каби манбалардан қонун доирасида фойдаланилади[3].

Масалан, Банк соҳасида эса тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш вазифаси белгиланган. Транспорт соҳасида эса локомотивларни бошқариш жараёнида уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш ва хавфли вазиятларда машинистларни огоҳлантиришда, жамоат транспорти ҳаракатини таҳлил қилиш ва уларнинг оптимал йўналишларини аниқлашда, шунингдек, автомобил ҳаракатини ва транспортдаги тирбандликларни мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш вазифалари белгиланган[4].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги даврда сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Ушбу технологиялар нафақат иқтисодий самарадорлик ва

инновацион ривожланишни таъминлашга, балки таълим, бошқарув ва илмий соҳаларда ҳам катта ўзгаришларни амалга оширишга ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қабул қилинган давлат қарорлари ва чора-тадбирлар ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Сунъий интеллект жамият ҳаётининг турли соҳаларида ўз аҳамиятини кўрсатиб, мамлакатнинг глобал майдондаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур технологиялар инсон ҳаётини янада қулайроқ ва самаралироқ қилишга интиломоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Karimova, S. (2023). Sun'iy intellekt va uning yuridik sohadagi o'rni. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(11), 59–65. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/23498>
2. Nurjanov Furqatbek Reyimberganovich Suniy intellekt usullari yordamida tasvirdan shaxsning yuz tasviri joylashgan sohasini topish algoritmlari // Al-Farg'oniy avlodlari. 2024. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/suniy-intellekt-usullari-yordamida-tasvirdan-shaxsning-yuz-tasviri-joylashgan-sohasini-topish-algoritmlari>
3. Matniyazov R.R., Baxriddinova Sh. Sun'iy intellekt – to'rtinchi sanoat inqilobining asosi. // “Raqamli iqtisodiyot sharoitida sun'iy intellektni qo'llashning nazariy asoslari” mavzusidagi respublika miqyosida ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to'plami. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2023., 45-bet
4. Ishanxodjayeva D.I., Hakimov F. Mamlakatimizda suniiy intellekt texnologiyalarining rivojlanish istiqbollari // “Raqamli iqtisodiyot sharoitida sun'iy intellektni qo'llashning nazariy asoslari” mavzusidagi respublika miqyosida ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to'plami. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2023., 382-bet